



TRANSPORT ҲАРАКАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Эшқуватов Бобомурод Аброр ўғли¹

¹ Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи, криминалгич ва
коррупцияга қарши курашиш кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5999144>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-fevral 2022

Ma'qullandi: 05-fevral 2022

Chop etildi: 10-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Олий суди пленуми
қарори, транспорт
воситаси, ҳалокат,
бошқа оғир оқибатлар,
субъекти.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада транспорт ҳаракати ва ундан
фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар учун
жавобгарлик масалалари, ушбу жиноятлар бўйича
Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумларининг ўрни
таҳлил қилинган.

Ҳозирги ҳаётимизни гаджетлар,
интернет ва транспорт воситаларисиз
бир дақиқа ҳам тасаввур қила олмаймиз.

Ички ишлар вазирлиги Йўл
ҳаракати хавфсизлиги бош
бошқармасига кўра, республикадаги
транспорт воситалари сони 2001
йилдагига нисбатан 2 млн 575 мингтага
кўпайган. Ҳар учинчи оилада шахсий
автомобиль мавжуд.

Шу билан бирга транспорт
ҳаракати ва ундан фойдаланиш
хавфсизлигига амал қилиш масаласи кун
мавзусига айланмоқда. Йўл-ҳаракати
қоидаларига амал қилмасдан нафақат

ўзининг, балки ўзгалар ҳаётига ҳам
зомин бўлаётганлар кун сайин ортиб
бормоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари
ортидан ўлим ҳолатларининг нақадар
дахшатли тус олганлигини биргина
статистик малумотда кўришимиз
мумкин.

Хусусан, 2020 йилда бутун дунё
бўйлаб тарқалган Коронавирус
пандемиясидан республикамызда
умумий ҳисобда 621 киши вафот этган
бўлса, ЙТҲлар оқибатида вафот этганлар
сони эса 1962 нафар кишини ташкил
этди. (3 барабар кўпроқ).¹

¹ Otaboev B., Kumar R. THE CONCEPT AND
ESSENCE OF CRIMINAL PUNISHMENT AND SIGNS

OF CRIMINAL PUNISHMENT IN THE LEGISLATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //World Bulletin



Шунингдек, ҳисобот даврида йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари қаторида пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши (26,2 фоиз), белгиланган тезликка риоя қилмаслик (14,5 фоиз), пиёда йўлга тўсатдан чиқиб қолиши (10,3 фоиз), қувиб ўтиш ёки қарама-қарши йўналишга чиқиш (7 фоиз), велосипедлар йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиши (5,3 фоиз), ҳайдовчиларни рулда ухлаб қолиши (5,1 фоиз) ва автомобильни маст ҳолатда бошқариш (4,2) каби ҳолатлар бўлган.

Йўл транспорт ҳодисалари содир этилиш вақти асосан кундузги (61 фоиз), қолган 39 фоизи тунги вақтга тўғри келади.

Маълум қилинишича, Республика бўйлаб энг кўп ЙТХ Фарғона вилоятида — 357 та, Тошкент вилоятида — 304 та ва Тошкент шаҳрида — 274, энг ками эса Сирдарё (55 та), Жиззах (59 та) ва Навоий (78 та) вилоятларида қайд этилди. Ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар сонининг кун сайин ортиб боришига сифатсиз ва коррупциялашган автомактаблар тизими ҳам сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, транспорт воситаси нима эканлиги, турлари, тушунчаси қонунчилигимизда турли хил кўринишда берилган.

Хусусан, 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонунда **транспорт воситаси бу — йўлларда одамларни, багажни, юкларни ёки**

ўзига ўрнатилган ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма дейилган.

1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорида транспорт воситаларга **енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см3. дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюарар машиналар (экскаватор, бульдозер, автопогрузчик, грейдер, автокран ва бошқалар)** кириши келтириб ўтилган.

2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорида эса **транспорт воситаларга, жумладан, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти, автомобиль транспорти, шунингдек, мотоцикл, мопед, велосипед, от-улов** ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда транспорт воситалари турлари турли хил вариантда берилган.

Қизиғи транспорт воситалари турига пленум қарорларида ҳам икки хил ёндашув кетган бўлиб, от-улов ва



мопедлар ҳам транспорт воситалари сирасига киритилган.

2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорида 260-269 моддалар субъекти сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган:

Яъни Жиноят кодекси 263, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган, ЖК 260 — 262, 2631, 264 — 266, 268, 269- моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти эса, ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти сифатида эса транспорт воситасини бошқарган, яъни:

ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;

йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган;

тегишли турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган;

умуман транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган;

қўш бошқарувли ўқув (машқ) транспорт воситасида транспортни бошқаришни ўргатаётган шахс топилиши мумкин.

ВМК 370-сонли Йўл ҳаракати қоидаларининг I бўлимига кўра, иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган ва юргизгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган ҳамда энг юқори ҳаракатланиш тезлиги соатига 50

километрдан ошмайдиган транспорт воситасини, мопед (осма юргизгичли (двигателли) велосипед) ва ўхшаш тавсифга эга бўлган бошқа транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас. Мазкур транспорт воситаларини ёки отулов транспортини бошқариб бораётган, шунингдек, велосипедчилар, арава, чана, болалар ҳамда ногиронлар аравачаларини тортиб (юргизиб) бораётган ва йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйган шахс, агар бунда эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ёхуд одам ўлган бўлса, бунинг учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 268-моддаси бўйича жавобгар бўлади.

Жиноят кодекси 266-моддасини таҳлил қилар эканмиз, ушбу модда диспозициясидаги оҳирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ.

Яъни ушбу модда учинчи қисм “б” бандида келтириб ўтилган ҳалокатга таъриф берадиган бўлсак, пленум қарорда қуйидагича дейилган:

«Ҳалокат» деганда, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, жамоат транспортидаги (автобус, троллейбус, трамвай, йўналишли такси ва шу кабилар) ўнлаб одамлар нобуд бўлиши билан бир қаторда атроф-муҳитга ҳамда одамлар соғлиғи ёки ҳаёти учун тузатиб бўлмас даражада зиён етказган ҳодиса тушунилиши лозим.²

² 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд

амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарори



“В” банидаги бошқа оғир оқибатлар деганда эса:

«Бошқа оғир оқибатлар» деганда, одамлар ўлими билан бир қаторда поездлар, кемалар ёки самолётлар қатнови узоқ муддатга издан чиқиши, теварак-атрофдаги уйлар ва бошқа иншоотлар вайрон қилиниши (портлаши, ёниб кетиши, қулаб тушиши) ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ одамга ўртача оғир ва/ёки оғир шикаст етказилганлиги фактининг ўзи қилмишни «бошқа оғир оқибатлар» белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.³ дейилган.

Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, такроран жиноят содир этиш шахс (фақат) қасддан содир қилинадиган айнан бир-хил кўринишдаги жиноятни икки ёки ундан ортиқ марта содир этиши ва ушбу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлишига такроран жиноят содир этиш деб айтилади.⁴

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси) жинояти фақат эҳтиётсизликдан содир этилганлиги учун ушбу жиноят такроран деб торпилмайди, балки жиноятлар жами сифатида квалификация қилинади.⁵

2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорининг 12-бандида:

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида икки ёки ундан ортиқ одам жабрланган (бир пайтнинг ўзида баданга оғир шикаст етказилган ва одам ўлими келиб чиққан) ҳолларда, йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахснинг ҳаракатлари ЖК 33-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ЖК 266-моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.⁶

Яъни бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш (ЖК 59-моддаси) бир қанча жиноятлар содир этишнинг -жиноятлар мажмуи кўринишига таалуқлидир.

Жиноят қонунида кўзда тутилган, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

- қилмиш жиноят қонунининг турли моддалари билан квалификация қилинганда;

- қилмиш ЖК Махсус қисми битта моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли

³ <https://www.lex.uz/docs/2710284>

⁴ Очиллов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021.

⁵ K.Rozimova. U.Aloev. Heybatollah Najandiamnesh. Anti-Corruption Examination of Normative legal acts: Comparative Analysis. GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH

JOURNAL (GIIRJ)ISSN €: 2347-6915Vol. 9, Issue 10, Oct.(2021)//<https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/421/399>

⁶ 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарори



жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса;

- шахс бир неча қилмишни содир этган бўлиб, улардан бири тугалланган жиноят тариқасида, бошқалари эса жиноятга тайёргарлик, суиқасд ёки иштирокчиликда содир қилинганда;

- иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маққумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда;
- иш бўйича шахсга айблов ҳукми эълон қилиниб, ушбу ҳукм қонуний кучга кирмасдан шахснинг бошқа бир жиноятни содир қилганда.⁷

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни.
2. 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарори.
3. 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарори.

Интернет ҳаволалари:

4. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=47YvzroAAAAJ&alert_preview_top_rm=2&citation_for_view=47YvzroAAAAJ:2osOgNQ5qMEC
5. <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/453/428>
6. <https://www.lex.uz/docs/2710284>
7. ¹ <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/453/428>
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-naznacheniya-nakazaniya-nesovershennoletnim-v-period-pandemii>

⁷Зиёда Турабаева ОСОБЕННОСТИ НАЗНАЧЕНИЯ НАКАЗАНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ // Review of law sciences.

2020.

№2.

URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-naznacheniya-nakazaniya-nesovershennoletnim-v-period-pandemii>